

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

СТРАТЕГИК ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
КУТУБХОНАСИ
ТАДҚИҚОТЛАР ИСТИҚОТИ

2008 йил, 20 октябрь, Душанба

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухоро вилояти марказида Ёшлар йили муносабати билан барча туман ва шаҳарлардан таклиф этилган ўн уч нафар ўғил-қизга вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси таъсис этган «Хавас» стипендияси гувоҳномаси топширилди. Тадбир давомида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши томонидан юборилган совғалар эгаларига тақдим этилди, шунингдек, ёшлар тарбиясида фидойилик кўрсатган эллик нафар устоз-мураббийларга ҳам мукофот берилди.

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан Ёшлар йили ва 18 октябрь — Самарқанд кунига бағишлаб Самарқанд давлат музей-қўриқхонасида «Самарқанд — дунё цивилизацияси бешиги» мавзусида байрам тадбири ўтказилди.

● Андижоннинг Қорасув шаҳрида тадбиркор Ш.Тўрахонов раҳбарлигида бир кечакундузда 3 тоннагача сифатли нон ва нон маҳсулотлари тайёрлайдиган корхона фаолият бошлади. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар шифохоналар, мактабгача таълим муассасалари, Қорасув ва Кўргонтепа туманидаги дўконларга етказиб берилмоқда.

● Шахрихонда ташкил этилган «AND CHIN INVEST» Ўзбекистон-Хитой кўшма корхонасида эркаклар, аёллар ва болалар учун енгил пойабзал буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонага Хитойдан келган мутахассислар ёрдамида 55 минг АҚШ доллари ҳажмидаги янги технологиялар ўрнатилган бўлиб, бу ерда ойига 13,5 миллион сўмлик харидоригр маҳсулотлар тайёрланапти.

● Қорақалпоғистон Республикасида сув танқислигини камайтириш, айрим аҳоли пунктларини узлуқсиз ичимлик суви билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра айни пайтда Чимбой, Шуманай, Қўнғирот, Қонлиқўл, Тахтақўпир, Қораўзак, Кегайли ва Нукус туманлари қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида жами 123 та қўл насоси ўрнатилди.

● Кеча Тошкентдаги Олий футбол маҳорати мактаби стадионида журналистлар ўртасида мини футбол бўйича ўзбек футбол фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган «Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газеталари соврини учун аънанвий республика турнири бошланди.

ЖАҲОНДА

● Украина Бош вазири Юлия Тимошенко гарчи мамлакат президенти Олий Радани тарқатиш ва жорий йилнинг 7 декабрида муддатидан олдин парламент сайловлари ўтказилиши тўғрисидаги фармонга имзо қўриш билан парламент фаолиятини давом эттиришга даъват этди. Унинг таъкидлашича, ҳозирги қучли иқтисодий инқироз даврида қайтадан парламент сайловларини ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас.

● Венесуэла Президенти Уго Чавес мамлакатда олти соатлик иш кунини жорий этиш ниятида эканлиги тўғрисида «Ассошиэйтед Пресс» ахборот агентлиги хабар беради. Мамлакат меҳнат вазири Роберто Эрнандеснинг айтишича, жорий йил охиригача ҳукумат иш кунини саккиз соатдан олти соатгача қисқартиришни кўзда тутиш қонун лойиҳасини мамлакат парламенти овозга қўйиш учун тақдим этади.

● Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) президенти Шакил Халидин айтишича, бир баррел нефтининг идеал нархи 70-90 доллар атрофида экан. ОПЕК нефть қазиб олишни кўпайтириш ёки камайтириш орқали унинг ҳажон бозоридagi нархи қисман таъсир ўтказиши мумкин. Аммо ташкилот вакилларининг айтишича, нефть нархининг ўзгариши мазкур ташкилотга эмас, биржалардаги чайқовчиларга боғлиқ бўлиб қоляпти.

● Бугун Москвада ҳарбий фильмларнинг халқаро фестивали бошланди.

● Кеча Москва-Нальчик йўналиши бўйича қатнаётган автобуснинг носоз ҳолда дароҳтага урилиши натижасида уч йўловчи ҳалок бўлди, 29 таси турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Дастлабки маълумотларга кўра, автоўқнашувга автобуснинг техник жихатдан носозлиги сабаб бўлган.

● Кеча Франциядаги Париж-Страсбург йўлида қуоқ туман ҳамда ёғиннинг туғуни йўлни қоқлаб олганлиги сабабли, бир вақтининг ўзида 30 та машина (шундан иккитаси автобус) ўзаро тўқнашиб кетган. Жабранганларга дарҳол тиббий ёрдам кўрсатилди.

● 1912 йилда машҳур «Титаник» кема-сининг ҳалокатга учраши чоғида бугунги кунда унинг йўловчилари орасида ягона ҳаёт қолган 96 ёшли Буюк британиялик Милвина Дин хоним ушбу ҳалокатдан дарак берувчи, шунча йиллардан бери авайлаб сақлаб келаётган жомадон, бир неча хатлар ва газета тўпламларини ким ошди савдосига қўйди. Савдолар кутилганидан ҳам муваффақиятли ўтиб, Дин хонимга 30 минг фунт стерлинга яқин даромад келтирди.

● Челябинскдаги мактаблардан бирининг 70 нафар ўқувчиси ўткир ичак касаллигига чалинганлиги сабабли касалхонага ётқизилди. Дастлабки маълумотларга кўра, болаларнинг касалланишига сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари сабаб бўлган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ ТУҒРИСИДА АХБОРОТ

2008 йил 17 октябрда вазирлар маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳар томонлама муҳокама қилиниди ҳамда ҳукуматнинг 2008 йил 8 феврал ва 18 июлдаги мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ ҚАРИМОВ томонидан белгилан берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларини бажаришни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда жорий йилнинг ўтган 9 ойида янги ички маҳсулотнинг ўсиши 9,4 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 12,4 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 18,4 фоизни, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 4,1 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсиши 18,5 фоизни ташкил қилгани қайд этилди. Экспортнинг юқори суръатларида ўсиши ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий салдосини таъминламоқда. Давлат бюджетини янги ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоиз профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Кулай инвестиция муҳити ва Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодийнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари фаол амалга оширилиши ўзлаштирилган инвестицияларнинг 22,4 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 33,5 фоизга ўсишини таъминлади. 284 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. «Шўртан» қонида пропан-бутан аралашмасини олиш қурилмасининг учинчи ва тўртинчи навбати, Андижон вилоятидаги «Алёртекс» тўқимачилик фабрикаси, Жиззах вилоятидаги «Замонавий полимер қувур» полимер қувурлари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона, Тошкент вилоятидаги «Ост-Милч» сутни қайта ишлаш заводи шулар жумласидандир.

Тадбиркорликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, солиқ юқини камайтириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар янги ички маҳсулотда кичик бизнес салмоқини ўтган йилнинг тегишли давридаги 43,1 фоиз ўрнига 45,3 фоизгача оширишни таъминлади. Мақсадли комплекс ривожлантириш дастурларини фаол амалга ошириш тўғрисида 545,2 мингта, шу жумладан хизматлар ва сервис соҳасида 188,2 мингта, касаначиликни ташкил этиш жиҳобига 85,1 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эътибори иқтисодийнинг ўсишини ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишни таъминлашда эришилган ижобий натижаларни мустақамлашга, келгуси йилда иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратишга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар қўриш зарурлиги қаратилди.

Мажлисда иқтисодий тармоқлари ва республика ҳудудларида норентабель, ишламаётган ва истиқболли йўқ корхоналар, кам самарали акциядорлик жамиятлари сонини камайтириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар натижалари тақдир қилиб қилинди. Зарар қўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, банкрот корхоналарни самарали ишлайдиган мулкдорларга сотишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қўрилиши зарурлиги қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ҳўжалик бирлашмалари, вазирликлар ва идораларга банкрот корхоналарнинг сотиб олинган ва бугунги кунда ишлатилмаётган мол-мулки асосида бозорда рақобатбардошли ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар чиқаришнинг замонавий ишлаб чиқаришлар ташкил этиш юзасидан аниқ таклифлар кириштириш қарор қилинди.

Мажлисда молия-банк тизимининг жорий йилнинг 9 ойидаги фаолияти яқунлари ва умуман 2008 йилда қўрилган кўрсаткичларини муҳокама қилишга алоҳида эътибор берилди. Жаҳоннинг қўллаб-қувватлашнинг қамраб олган молиявий инқироз кўламли рағбатлантириш қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончлиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўқлиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирларига берилмаслиги ҳусусиятлари билан ажралиб туриши алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда банкларнинг капиталлашувини изчил ошириш,

уларнинг активларини диверсификациялашни чуқурлаштириш ва сифатини яхшилаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар, шунингдек, республика банкларининг узок мuddатли ресурсларни жалб этиш асосида барқарор ресурс базасини шакллантиришга йўналтирилганлиги республика банк тизимининг янада мустаҳкамлашни ва ишончлиги қилинишига кўмак бермоқда. Аҳолининг мамлакатимиз банк тизимига бўлган ишончи мустаҳкам бўлиб, банклардаги аҳоли омонатлари ҳажми кейинги 5 йилда 8,6 баравар, шу жумладан жорий йилнинг 9 ойида 1,5 баравар ўсгани шундан далolat берди.

Тижорат банкларининг раҳбарлари эътибори таркибий қайта ўзгаришлар жараёнида, иқтисодий тармоқлари ва соҳалари ишлаб чиқаришларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, юқори сифатли, жаҳон ва ички бозорларда рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли ва юқори самарали инвестиция лойиҳаларини таъминлаш ва амалга оширишда ўз маблағлари ва жалб этилган капитал билан қатнашишни янада фаоллаштириш зарурлиги қаратилди. Шу муносабат билан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Асақабанк, шунингдек, жорий йилда қайта қўрилган Усанот-ақриллиқбанк, Пахта-банк ва Фалла-банк сингари етакчи тижорат банкларининг роли алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, сурғат бозорининг профессионал қатнашчилари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аниқсиз қишлоқ жойларда улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар диверсификация кенгайтириш, сифатини яхшилаш ва улардан фойдаланишга қулайликлар яратиш, шунингдек, сурғатловчилар манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар қўриш зарурлиги қайд этилди.

(Давоми 3-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

ШАҲРИМИЗДАГИ
«ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ»
МЕҲМОНХОНАСИДА
«ҚУРИЛИШ.
ҚУРИЛИШ
ТЕХНИКАСИ.
ҚУРИЛИШ
МАТЕРИАЛЛАРИ —
EXPO CONSTRUCTION
— 2008» 5-ХАЛҚАРО
КЎРГАЗМАСИ ҚИЗГИН
ИШ ЮРИТМОҚДА.
«ZAR EXPO»
КЎРГАЗМА
КОМПАНИЯСИ
МАЗКУР ТАДБИР
ТАШКИЛОТЧИСИДИР.



Кўргазмалар

Юртимизда мустақиллик йилларида бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиб, ҳар бир қўрилган бино, иншоот, муассасалар мамлакатимиз кўркини оширмоқда. Ушбу объектларни бунёд этишда, уларнинг чиройи ва мустаҳкамлигини таъминлашда бугунги кун талаблари даражасида тайёрланаётган сифатли ва рақобатбардош қурилиш ашёлари қўл келмоқда. Айнақса, кейинги йилларда юртимизда хорижий ҳамкорлар учун яратилган кенг имкониятлар ва ҳуқуқий ҳимояга қаратилган эътибор боис хорижий, қўшма корхоналар сафи йил сайин кенгайиб ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда, бозорни чуқур ўрганиш асосида маҳсулот турлари кўпаймоқда.

Ушбу кўргазмага ташриф буюрувчиларда очик майдонда ўтказилган замонавий, энг янги авлодга мансуб бўлган техника ҳамда жиҳозларнинг намойиши катта таассурот уйғотди. Кўргазмада қурилишда ишлатилмайдиган турли-туман машиналар, техникалар, арралар, тош майдалоғич, майдаловчи чўкичлар ва албатта қурилиш жиҳозлари шулар жумласидан бўлиб, ушбу соҳада муваффақиятли фаолият юритаётган малакали мутахассислар, етук муҳандисларнинг — энг сўнги ютуқлари билан яқиндан танишиш, уларни баҳолаш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Уч кундан бунёд давом этаётган тадбир давомида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, 50 тадан зиёд Германия, Россия, Туркия, Польша, Италия, Хитой, Швеция каби давлатлардан ташриф буюрган машҳур ишлаб чиқарувчи ва дистрибьютер компанияларнинг «Қурилиш, қурилиш техникаси ва жиҳозлар», «Интерьер дизайни, безаш, безакли тўқимачилик», «Бўёқлар, лак, девор ва полга

ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ



Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: 5-Халқаро қурилиш кўргазмасидан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

билан ички бозордан муҳим ўрин эгаллаган «INSOF-RI» қўшма корхонаси; харидоригр лок ва буюк маҳсулотлари тайёрловчи «Тошкент лак буюк заводи» очик акциядорлик жамияти, «EAST-KOLOR» масъулияти чекланган жамияти; хорижий хон ашдан эшик, ром, ишлаб чиқарувчи «ALUTEX», «ZAZO» хусусий корхоналари; «TEXNOINVEST-ST» каби қўллаб хорижий корхоналарнинг сифатли, бири-биридан кўркам маҳсулотларини томоша қилганлар мамнулик ҳиссини туйишмоқда...

Эътиборли томони, мазкур тадбир кунлари қурилиш соҳасидаги энг янги маҳсулот, товар, техника ва хизматлар кенг намойишга бўлиб ўтмасдан балки қўллаб ўзаро манфаатли шартнома, битимлар ҳам имзоланди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: 5-Халқаро қурилиш
кўргазмасидан лавҳалар.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Кеча сатрларда

● УТГАН кунни Жаҳон иқтисодийи ёки дипломатия университетини қўшмадаги академик лицей ўқувчилари, ўқитувчилар ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида ўтказилган тадбирда маҳаллар фаоллари, ёшлар иштирок этишди.

● БУГУН Милроб туманидаги Гафур Гулом номи маданият уйдига «Тилга эътибор — элга эътибор» мавзусида ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

● БУГУН Ҳамза туманидаги 230-мактабда туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда «Камолот» ЁИХ туман бўлими ҳамкорлигида 8-9- синфлар ўқувчилари ўртасида уюштирилган беллашу «Қувноқлар ва зукколар» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

САЙЛОВ ВА САЙЛОВЧИЛАРНИНГ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 15-16 ОКТАБР КУНЛАРИ «ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИГА САЙЛОВ ВА САЙЛОВЧИЛАРНИНГ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАТИРИШ МАСАЛАЛАРИ» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. УШБУ ТАДБИР МИНТАҚАВИЙ СИЁСАТ ЖАМГАРМАСИ (ЎЗБЕКИСТОН) ТОМОНИДАН АҚШНИНГ ХАЛҚАРО РИВОЖЛАНИШ АГЕНТЛИГИ (ЮСАИД), МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИЯ ИНСТИТУТИ (АҚШ) ВА ЕХТНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЛОЙИХЛАР МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унда Болгария, Буюк Британия, Германия, Хиндистон, Италия, Канада, Нидерландия, Покистон, Польша, Россия, Словакия, Словения, АҚШ, Тожикистон, Франция, Чехия, Қирғизистон, Япониядан келган таниқли экспертлар, мутахассислар ва

олимлар иштирок этди. Анжуман иштирокчилари Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилиши соҳасида демократик ислохотларни амалга ошириш, сайлов тизимининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш тажрибаси ва ҳокимият вакиллик

органларига сайлов ўтказиш амалиёти билан ҳар томонлама танишдилар. Таъкидландики, Ўзбекистонда ҳокимият вакиллик органларига сайловни янада демократлаштириш жараёнида, энг юксак демократик сайлов андозаларига таянган ҳолда,

тизимли, босқичма-босқичлик асосида ва изчил амалга оширилмоқда. Давра суҳбати қатнашчилари Ўзбекистонда сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти бошқа институтлари, оммавий ахборот воситаларининг фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг сайловда, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнида кенг иштирокни қўлайитиришдаги роли тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидладилар. Партиялараро соғлом рақобат, ўз сайловчилари учун кураш қучай-

моқда. Реал кўппартиявийликни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ ҚАРИМОВ ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқару-вини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини қучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбирда Африка, Лотин Америкаси, Узоқ ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан алоқаларни ривожлантириш бўйича институт раҳбари (Италия) Антонио Лоче қайд этганидек, «давлат суверенитети эълон қилингандан бунёд ўтган тарихан қисқа мuddат ичида Ўзбекистонда

барча умумэтироф этилган халқаро-ҳуқуқий андозаларга мос аниқ-пухта сайлов тизими шаклланиши, партиялар орасида рақобат қучайиб бораётгани, сиёсий партиялар билан жамият ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилгани, энг муҳими, давлатнинг ўзи аҳолининг ижтимоий-сиёсий жараёндаги салоҳиятининг қучайишидан, фуқаролик жамиятини демократик ислохотлар ва мамлакатни модернизация қилишга жалб этишдан, эркин ва очик сайловлар ўтказишдан манфаатдор экани таҳсинга сазовордир. Ўзбекистон истиқболда тараққий этиш учун улкан имкониятларга эга».

(Давоми 3-бетда).

XXI аснинг дастлабки йиллари илм-фан ва техника ривожининг шиддатли тус олганлиги, ахборот алмашинуви тизимининг тубдан такомиллашганлиги билан инсоният тарихида ўзига хос давр бўлди.

Бу жараёнда дунё мамлакатлари халқаро муносабатларда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий, илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорлик қилиш, умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Бунинг натижасида мамлакатларо миграция жараёнлари бирмунча фаоллашди, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, туризм ва шу каби турли мақсадларда бошқа давлатларга чиқиши, эркин фаолият олиб бориши учун имкониятлар янада кенгайди.

Ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда айрим трансмиллий жиноятларнинг ортиши ҳам кузатилаётган. Одам савдоси ҳам ана шундай жиноятлардан биридир.

Одам савдоси — инсон, унинг шаъни, кадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда. Инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимоясини таъминлаш асосий қадриятга айланган ушбу даврда, бу муҳим иллат ноқонуний қурол савдоси, гивандлик воситаларининг фэйриқонуний муомаласи каби оғир оқибатларни келтириб чиқаради.

Биринчидан, ҳамма одамлар ўз кадр-қиммати ва ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар, ушбу қоида 1948 йилда қабул қилинган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, шунингдек, бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда миллий қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Одам савдоси эса инсоннинг эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига путур етказди, уни турли хўрлик ва камситишларга дучор этади. Одам савдоси деб аталмиш ушбу жиноий фаолият ортда мажбурий меҳнат, қўллик, мажбурий донорлик, харбий тўқнашувларда фойдаланиш, фоҳиша-бозлик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабих қилмишлар мўжассамдир.

Иккинчидан, одам савдоси жиноятчилар учун сердаромад манба бўлиб қолмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, дунё бўйича одам савдосидан тушадиган йиллик даромад 7 млрд. АҚШ долларидан ошмоқда. Афсус билан таъкидлаш керакки, дунёда «одам савдоси» бозори ва унга талаб кундан-кунга ошиб бормоқда.

Шу боис жиноий тузилмалар ушбу ноқонуний фаолият билан шуғулланишнинг турли йўллари ни қидириш, мақсадини амалга оширишни енгиллаштириш учун халқаро жиноий уюшмалар ташкил этиш, давлат хизматчиларини ўзларига оғдириш пайида бўладилар. Бу эса, трансмиллий уюшган жиноятчилик, коррупция каби хавфли иллатларнинг кенг ёйилишига сабаб бўлади.

Учинчидан, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ўз «кирдикдорлар»ини яшириш мақсадида бундай савдонинг қурбонига айланаётган шахсларни имкон қадар эътибордан четда тутишга ҳаракат қиладилар. Аввало, бунинг учун одамларни хорижга ноқонуний йўллар билан олиб чиқишга, паспорт ва шахсий ҳужжатларини қалбакилаштиришга уринадилар.

Бу ҳолат эса ноқонуний миграция салмоғининг ортишига, муайян давлат ҳудудига ноқонуний кириб келганлар сонининг ортиб, иқтисодий, демографик ва кримноген вазиятга салбий таъсир қўраётганига, шунингдек, хорижий чиқиш ва муайян давлат ҳудудиди бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келади.

Тўртинчидан, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар бундай савдонинг қурбонига айланаётганларни имкон қадар ўз назоратида ушлаб туриш ва кўпроқ фойда олиш мақсадида, уларнинг шахсига оид ҳужжатларни (паспорт, миграция қарточкаси ва ҳ.к) ноқонуний эгаллаб, хорижий давлатда эркин ҳаракатланиш, ҳимоя эстида бўлган давлатнинг тегишли ваколатхоналарига мурожаат этишига тўсқинлик қиладилар.

Оқибатда бундай шахслар ўзини ҳуқуқий ҳимоялаш имкониятидан маҳрум этилади.

Шу боис, дунё мамлакатларида одам савдосига қарши кураш масаласига жиддий эътибор қаратилиб, бу тадбирга давлат идоралари, қолаверса, жамоат ташкилотлари, ўқув муассасалари, оммавий ахборот воситалари кенг жалб этилмоқда.

Дунёда одам савдоси билан боғлиқ вазият таҳлили бу борадаги ахборотнинг ҳамон жиддийлигича қолаётганини кўрсатмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 млн. 700 мингта шахс одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Хар йили 600 мингтадан 800 мингтагача аёллар ва болалар алдов

ОДАМ САВДОСИ — УМУМЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ МУАММО

майдилар.

Бундай ҳолат одам савдоси билан шуғулланган шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига ҳамда жиноий фаолиятини давом эттиришига олиб келади.

Шу боис, дунё мамлакатларида одам савдосига қарши кураш масаласига жиддий эътибор қаратилиб, бу тадбирга давлат идоралари, қолаверса, жамоат ташкилотлари, ўқув муассасалари, оммавий ахборот воситалари кенг жалб этилмоқда.

Дунёда одам савдоси билан боғлиқ вазият таҳлили бу борадаги ахборотнинг ҳамон жиддийлигича қолаётганини кўрсатмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 млн. 700 мингта шахс одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Хар йили 600 мингтадан 800 мингтагача аёллар ва болалар алдов

йўллари билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини кўлга киритгач, тадбиркорлик, хусусий бизнесга кенг йўл очилди, хорижий давлатлар билан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилди, юртимиз фуқароларининг хорижий мамлакатларга бемалол чиқишлари учун имконият ва етарли шарт-шароитлар яратилди.

Афсуски, айрим шахслар бундай шарт-шароит ва имкониятлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, фуқароларимизни турли алдов ва фирибгарлик билан хорижга олиб чиқиб кетишга уринмоқдалар. Бунинг оқибатида юртимиз фуқаролари ҳам одам савдоси қурбонига айланмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, жорий йилнинг 9 ойида республикада 1449 нафар шахс одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган. Уларнинг 1283 нафарини эркеклар, 166 нафарини аёллар, 28 нафарини вояга етмаганлар ташкил этган.

Таҳлиллар, мамлакатимиз фуқароларини фоҳишалар билан шуғуллантириш учун асосан Бирлашган Араб Амирликлари, Қозғистон, Россия, Таиланд, Туркия, Хиндистон, Исроил, Малайзия, Жанубий Корея, Япония ва Коста-Рика давлатларига, мажбурий меҳнат ёки хизмат кўрсатиш учун эса — Қозғистон ва Россияга олиб чиқиб кетилаётганлигини кўрсатмоқда.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Республикада одам савдосининг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида қандай ишлар амалга оширилган ва бу фаолиятни кучайтириш учун келгусидаги вазифаларимиз нималардан иборат?

Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси ва ғоялари асосида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида, аввало, ҳақимиз учун муносиб турмуш шaroитини яратиш, юртимиз аҳолисини ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатардан асраш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш каби улуг мақсадлар мўжассамдир.

Юртимизимиз таъкидлаганларидек, ҳуқуқий демократик давлатда инсон тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечирishi учун биринчи навбатда унинг хавфсизлиги таъминланиши, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, кадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи ҳар қандай таъжовудан ҳимоя қилинган бўлиши шарт.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг жамиятимизга олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини чуқур англаган

ҳолда ўтган йиллар мобайнида республикада бундай жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Аввало, бу даврда одам савдоси жиноятларига барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Давлатимиз одамларнинг яширин трафикига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди.

Ўқин тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бу борада норматив-ҳуқуқий база деярли мавжуд эмас эди. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят Кодексига илк бор одам савдосига қарши курашиш мақсадида бундай ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Жумладан, Жиноят Кодексининг 135-моддаси шахснинг озодлиги,

Жорий йилнинг 23 июль куни одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссиясининг биринчи йиғилиши ўтказилди.

Ушбу йиғилишда комиссия фаолияти билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий масалалар ҳал қилиниб олинди. Хусусан, комиссиянинг иш режаси, одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идораларо комиссияларнинг намунавий Низоми тасдиқланди.

Жойларда ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идораларо комиссияларнинг фаолияти тўлиқ йўлга қўйилиб, уларда ташкил этилган ишчи гуруҳлари ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Миллий Дастурга мувофиқ одам савдосига қарши курашиш борасида қонунчиликни такомиллаштириш ишлари изчил давом этмоқда.

Ҳозирда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шарҳ ва бу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш устида иш олиб борилаётган.

Одам савдосига қарши курашишда аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида ушбу иллатнинг хавфи ва оқибатлари ҳақида тушунтириш олиб бориш, фуқароларни бу борадаги вазиятдан огоҳ этиш ҳамда хабардорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, комиссия иш фаолиятида тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ўтказишга алоҳида

эътибор қаратилмоқда. Комиссия таркибига кирувчи барча вазирлик ва идоралар томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, бу мавзуда давра суҳбатлари ўтказилиши юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Бугунги кунда ушбу мавзуга бағишланган давра суҳбатлари, конференциялар, илмий-амалий анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий савдонлигини ошириш мақсадида фойдаланиш учун қўлай бўлган ўқув, услубий қўлланмалар, буклетлар нашр этилиб тарқатилмоқда.

Одам савдоси жиноятларининг хавфи ва оқибатларидан огоҳ этуви, бундай иллатга қарши курашга чорловчи плакатлар, банерлар тайёрланиб, аҳоли гавжум жойларда, автомобиль, темир йўл, ҳаво транспорти бекатларида, чегара-ўтиш постларида ўрнатилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 19 август куни халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда «Одам савдосига қарши курашиш, бундай жиноятлардан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатишнинг механизми» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Республика Идораларо комиссиясининг аъзолари, халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Бундан ташқари, комиссия ташаббуси билан фуқароларнинг одам савдоси билан боғлиқ ҳолатлар, унинг олдини олиш чоралари ҳақидаги тегишли маълумотларни исталган вақтда олишларини таъминлаш мақсадида ички ишлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ва Давлат божхона қўмитасида ишонч телефонлари ташкил қилинди.

Қайд этиш лозимки, республикада бу борадаги кримноген вазият таҳлили, одам савдосига қарши курашиш, унга имкон бераридиган шарт-шароитларни бар-тароф этиш, оқибатларини мумкин қадар енгиллаштириш юзасидан бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатади.

Жорий йилнинг 9 ойида республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан одам савдоси бўйича 436 та жиноят иши кўзга тушиб, 339 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди, уларнинг 203 нафарини эркеклар, 136 нафарини аёллар ташкил этган.

Масалан, Каттақўрғон шаҳрида яшовчи М.Жўраева, З.Саидова жиноий шериклари билан тил бириктириб, бир неча гуруҳ қизларни алдаш йўли билан Қирғизис-

тон Республикаси орқали Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига юборганлар. Мазкур шаҳарда уларни қутиб олган жиноий гуруҳнинг аъзоси бўлган «Шоҳиста» исмили шахс қизларнинг фуқаролик паспортларини олиб қўйиб, ўзларини эса бир йил давомида фоҳишалар билан шуғулланишга мажбур этган.

Ўқин, Тошкент шаҳрида яшовчи Р.Абдуллаев ва бошқалар фаолиятини олиб қўрайлик. Улар туғатилган «СНЕТ» шўъба корхонасининг муҳри ва ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда ушбу корхонанинг «хорижда иш билан таъминлашга кўмаклашувчи ташкилот» эканлигига одамларни ишонтириб, унинг «хизмат»идан фойдаланиш истагини билдирган 56 нафар фуқарони алдов йўли билан Қозғистон Республикасида олиб чиқиб, номаълум шахсларга сотиб юборганлар. Оқибатда республикада фуқароларининг шахсий ҳужжатлари олиб қўйилиб, ўзлари номаълум шахслар томонидан Астана шаҳрида мажбурий тарзда ишлатилганлар.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ҳақида бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин.

Бироқ, бу тоифадаги жиноятларга қўл урган шахсларнинг 40 фоизини аёллар ташкил этганлиги жойларда маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари, ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, «Камолот» ёшлар иж-

тимоий ҳаракати ва бошқа мутаассадди идораларнинг бундай салбий ҳолатларга қарши ҳамкорликда, фаол иш олиб боришларини таъқозо этади.

Одам савдоси каби жиноий фаолиятни амалга ошириш услубларининг таҳлили ақсарият ҳолларда фуқароларни мажбурий меҳнат ёки фоҳишалар билан шуғуллантириш мақсадларида фойдаланиш учун республикада ҳудудидан яширин равишда олиб чиқиб кетилаётганлигини кўрсатмоқда.

Фуқароларни айланма йўллар орқали ноқонуний равишда ёки чегара постлари орқали аввалаги Қирғизистон, Қозғистон Республикаси қўмитаси каби қўшни давлатларга, сўнгра қалбаки ҳужжатлар билан узоқ хориж мамлакатларига чиқариб юбориш жиноятчи унсурларнинг асосий маршрутига айланган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ноқонуний айланма йўлларга тўлиқ барҳам бериш, ўтиш чегара постлари, халқаро темир йўл станциялари ҳамда аэропортларда назоратни кучайтириш, айниқса, бундай масканларда тезкор ишлар ҳамда тарғибот ва ташвиқот ишларининг кучайтирилиши бу тоифадаги жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Мисол учун, Самарқанд шаҳрида яшовчи Гавхар Обидинова Таиланд давлатида бўлган опаси Гулноза Обидинованин фоҳишалар билан шуғуллантириш учун одам ёллаш ҳақидаги тақлифига биноан Э.Ибрагимов ва Ф.Алиев билан жиноий тил бириктирган.

Жиноий гуруҳ олдиндан тузилган режага асосан бир неча қизларни Таиланддаги «ресторанда ишга жойлаштириш»га ишонтириб, уларни фоҳишалар билан шуғуллантириш мақсадида ушбу давлатга юбормоқчи бўлганлариди Тошкент шаҳридаги халқаро аэропортда қўлга олинганлар.

Ўқин, Хонобод шаҳрида яшовчи Л.Мурзаева тўрт нафар қизни алдаб, уларни фоҳишалар билан шуғуллантириш учун ҳар бирини 2000 киргиз соми эвазига сотиб юбориш мақсадида Қирғизистон Республикасида айланма йўллар орқали олиб чиқиб кетаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан тўхтаб қўлинган.

Ички ишлар органларининг хорижга чиқиш-кириш ва фуқаролик бўлишлари ва бошқа хизматлар ўрталаридаги ҳамкорликни кучайтириш, депортация қилинган шахслар ҳақидаги маълумотларнинг алмашинуви ҳамда бундай шахслар билан олиб бориладиган профилактика тадбирлари бу ишда ўз самарасини беради.

трафики билан шуғулланаётган халқаро жиноий тузилмаларга алоқадор гуруҳлар, уларнинг жиноий каналларини аниқлаш учун бундай мақсадда фуқаролар олиб ўтилаётган (транзит) ҳамда эксплуатация қилинаётган давлатнинг тегишли хизматлари билан тезкор ахборот алмашинувини йўлга қўйиб, биргаликда тергов-тезкор ҳаракатларини ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу ишдаги яна бир муҳим омил — доимий яшаш жойидан узоқ мuddатга чиқиб кетган шахсларнинг тақдирини, уларнинг ҳозирда қаерда ва нима иш билан бандлигини аниқлашга қаратилган тадбирларни жадаллаштириш зарур.

Шу нуқтаи назардан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, иш билан таъминлаш, айниқса қишлоқ жойларда янги иш ўринлари барпо этиш ва шу каби бошқа масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада қабул қилинган Президент фармонлари ва қарорлари, ҳуқуқат қарорлари ижросини тўлиқ таъминлаш лозим.

Одам савдосининг олдини олиш учун кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тарғибот ва ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар имкониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ишларини кучайтириш зарур.

Қайд этиш лозимки, республикада фуқароларнинг хорижда меҳнат қилишини ташкил этишга доир ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, улардаги асосий талаблардан бири — бу хорижга юборилиши кўзда тутилаётган фуқароларнинг муайян давлат ҳудудиди ижтимоий ҳимоясининг таъминланиши, барча ижтимоий кафолатлар ва табиий сўғуртанинг мавжудлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли Қарори асосида фуқароларни чет элларга ишга юбориш ва уларнинг меҳнат фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг чет эллардаги меҳнат фаолияти ушбу агентлик орқали амалга оширилиши ҳам уларнинг муайян давлат ҳудудиди ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганини, ижтимоий, табиий муҳофаза этилишини таъминлайди. Жойларда фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича ҳўжалик ҳисобидидаги минтақавий бюролар мавжуд бўлиб, фуқаролар шу хизматларга мурожаат қилсалар, одам савдоси қурбони бўлишларининг олди олинган бўлар эди.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасида, одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилиши ва мазкур шахсларга юридик ёрдам бериш, уларни психологик, табиий, касбий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, уларга вақтинчалик турар жой беришни ўз ичига олиши белгилаб қўйилди.

Республика Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарориди эса одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил қилишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Албатта, ташкил этиладиган бундай муассасалар одам савдосидан жабрланганларни нормал турмушга қайтариш, уларнинг жамиятнинг тенг ҳуқуқли, эркин аъзоси эканлигини ҳис этиб яшашига эришишда муҳим восита бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат ва эъзозга лойиқ. Инсоний қадриятларни топташга уринган ҳар қандай шахсга қонун олдида жавобгарлик муқаррардир.

Рашидjon ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори, Одам савдосига қарши курашиш бўйича
Республика Идораларо
комиссияси раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАҲЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мажлисда 2008-2012 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури бажарилиши ва 2008 йил якуни бўйича қўйилган натижаларга эришиш чора-тадбирлари кўриб чиқилди. Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг унумдорлигини ошириш ва қишлоқ ҳўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини кўпайтиришда Давлат дастури доирасида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилмаётган чора-тадбирлар ва лойиҳаларнинг муҳим аҳамиятига эга экани қайд этилди.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳамда вилоятлар ҳўкимликларига таъмирлаш-тиклаш ишлари ҳали давом этаётган мелиорация объектларини ўз вақтида ишга тушириши, 2009 йилнинг биринчи чорагида амалга ошириш назарда тутилган сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лойиҳалари бўйича зарур лойиҳа ҳўжатларини олдиндан тайёрлашни таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш, шунингдек, бажарилаётган мелиорация ишларининг сифати, ажратилаётган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни кўчатириш топширилди.

Мажлис мобайнида пахтани йиғиб-териб олиш мавсумини ўз вақтида ва муваффақиятли якунлаш, кузги дон экинлари экишни мақбۇл арготехника мўддатларида таъминлаш ва 2009 йил ҳосили учун пухта замин яратиш мақсадида кузги шудгорлашни сифатли ўтказиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар муҳоама қилинди ва тегишли вазирликлар ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларига топшириқлар берилди.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари, уй-ҳой фонди, ижтимоий соҳа объектлари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг куз-қиш даврига тайёрлиги ҳолати, шунингдек, 2008-2009 йиллар куз-қиш даврига мева-сабзавот маҳсулотлари гамлашнинг боришига алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳоама жараёнида 2008-2009 йиллар куз-қиш даврида иқтисодиёт тармоқлари, уй-ҳой фонди, ижтимоий соҳа объектлари ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси барқарор фаолият кўрсатиши, шу ҳўмладан уларга газ, электр ва иссиқлик энергияси узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳўкимияти органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги алоҳида таъкидланди. Маҳаллий давлат ҳўкимияти органлари ва «Узулгуржисавдоинвест» уюшмаси раҳбарларининг эътибори мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани белгиланган ҳамда гамлашни тугаллаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка нарҳларининг ички бозорда асосий равишда ўсиб кетишига йўл қўймасдан аҳолига сотиш учун уларнинг захиралари тизимли равишда сотувага чиқарилишини таъминлаш зарурлигига қаратилди.

Кун тартибидagi масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва республикани йирик корхоналари, тижорат банклари ва вилоятлар раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика ҳўкумати мажлисига киритилган масалаларни муҳоама қилиш якуни бўйича 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш ва келгуси йилда республика иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланган қарор қабул қилинди.

(ЎзА)

Иқтисодиёт

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЕДАН ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАХСУЛОТЛАР СИФАТИГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР БЎЮРТМАЧИЛАР САФИ ОРТИШИДА, ХАРИДОРЛАРНИНГ КўПАЙИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. АСОСИЙСИ, БУ КАБИ МАХСУЛОТЛАРНИНГ «ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЁРЛИГИ БИЛАН ЭКСПОРТ ҚИЛИНАЁТГАНИ ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РАВНАҚИГА МЎНОСИБ УЛУШ БўЛИБ ҚўШИЛМОҚДА.

СИФАТГА ЭЪТИБОР — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Пойтахтимизда 2006 йилдан фаолият юритиётган маҳсулоти чекланган жамият шаклидаги «ТЕХПЛЕ Іррех» хорижий корхонаси жамоа аҳлининг ҳам ўтган қисқа мўддат ичида муваффақиятлари салмоқли бўлмоқда. Бунда мазкур корхонада меҳнат қилаётган 500 нафардан зиёд ишчи-хизматчиларга замонавий, хорижий технология лянлар, дастхот ва ускуналар маддадор бўлмоқда.

Ҳозирда жамият аҳли — маҳоратли бичувчи, қўли гул тикувчи ҳамда но-зик дидли дизайнчилар ҳамкорлигида аёл, эркек ва болажонларимизга сифатли, кўркам, замонавий дизайн-даги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг дерайли 90 фоизи хорижий давлатларга (100 фоиз пахта толасидан тайёрлангани боис) «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги билан экспорт қилинмоқда.

Сифатли пахта хом ашёси бизга жуда қўл келмоқда, — дейди ушбу корхонанинг бош директори Сергей Алиев. — Яъни, цехларимизга ўрнатилган дастхот ва ускуналар қуввати-дан унумли фойдаланган ҳолда сифатли ипдан мато тўқиш, газламини бўш, гул босиш — тайёр маҳсулот ишлаб

чиқариш имконияти мавжуд. Бизда ёшларга мўлжалланган спорт ҳамда хордик учун (қундалик кийиладиган) тўқимачилик маҳсулотлари тайёрланади. Улар бири-биридан кўркам, чидамли, қўлай, асосийси, инсон саломатлигига ҳавфли эмас ва албатта, юртимизнинг об-ҳаво инжиқликларига жуда мослиги билан акралаб туради. Эътиборли томони, корхонада кичик цех фаолияти ишлаб чиқаришда муносив ўрин тулади. Боиси, бу ерда ма-лакали мутахассислар — тўқимачилик на-толари бўйича етакчи ходим, моҳир ди-зайнчиларнинг касб-маҳоратлари, иж-дий излан-чишлари, самарали ҳамкорлик маҳсули бўлган либослар модели яра-тилади. Ҳар бир янги маҳсулот ома-вий ишлаб чиқаришга қўйилгунга қадар қўлпаб жараёнлардан муваффақиятли ўтганидан сўнги «дунёга келади».

Бозорни тинмай ўрганиш асосида корхона тadbиркорлари келгусида ҳам маҳсулот турларини янада кўпайтири-ши, ишлаб чиқаришни кенгайтириши — янги иш ўринларини яратиш сингари режаларини амалга оширишни ҳам ўз олдларига мақсад қилишган.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

САЙЛОВ ВА САЙЛОВЧИЛАРНИНГ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИ

масъулияти ортмоқда, сиёсий билим даражаси ўсиб бормоқда. Мамлакат сиёсат майдонига қўлпаб иқтидорли ёшлар чиқиб келмоқда. Бу жараён ўзбек халқининг тарихий, маданий, диний аънана-лари ва қадриятларига ҳурмат асосида кеч-моқда».

Миллий демократия институтининг (АҚШ) Россиядаги офиси раҳбари Майкл Мэрфи таъкидлаганидек, «сайловнинг муваффақияти ва муайян партиянинг гала-баси, шу билан бирга, жамият ҳаётига татбиқ этилаётган барча демократик янги-ланишлар самардорлиги ёшларнинг сиёсий фаоллиги билан бевосита боғлиқ-дир. Жорий йилнинг ўзбекистонда Ёшлар йили деб эълон қилиниши навқирон ав-лоднинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккурини ок-салтириш, уларни сиёсий жараёнларга кенг жалб этиш имконини беради. Ёшлар катта салоҳиятга эга, бинобарин, Ўзбеки-стон ёшлари — аҳолининг сиёсий фаол бўлган асосий қисмини ташкил этади, шу маънода, сиёсий партиялар сайловолди кампанияси даврида ёшлар билан ишлаш-га гоят катта эътибор қаратиши лозим. Ёшлар сиёсати сиёсий партиялар сайло-волди дастурларида етакчи ўринда тури-ши даркор».

Мунозаралар мобайнида давра сўхбати иштирокчилари сайлов — жамиятнинг қай даражада демократлашганини кўрсатув-

чи мезон эканини қайд этдилар. Шу билан бирга, демократиянинг универсал, барча мамлакатлар учун бир хил модели бўлмаганидек, сайлов тизимларининг ҳам бир хил моделлари мавжуд эмаслиги таъ-кидланди. Ўзбекистоннинг сайлов тизи-ми, бу соҳадаги қонунчилик умумэти-роф этилган халқаро принцип ва қоида-ларни, шунингдек, Ўзбекистон фуқарола-рининг ижтимоий онги, ҳуқуқий ва сиё-сий маданияти даражасини, ўзбек халқ-нинг аънаналарини, менталитетини ҳисоб-га олган ҳолда, изчил ривожланмоқда.

Халқаро давра сўхбати арафасида тад-бир иштирокчилари билан Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Қонунчилик па-латаси, Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳўжатлари мониторингинг институтида учрашувлар бўлиб ўтди. Мулоқотлар чоғида хорижий экспертлар Ўзбекистондаги сиёсий пар-тияларнинг фракциялари фаолияти билан та-нишдилар, сайловнинг демократик асос-ларда ўтишини таъминлаш, сайловга тай-ёргарлик ва уни ўтказишнинг ташкилий-оммавий жиҳатлари ҳамда ахборот-таҳли-лий ва ҳуқуқий таъминоти механизмлари билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ғулوم МИРЗО,
ЎзА муҳбири

Фуқаролар йиғинларига сайлов

ИШЧИ ГУРУҲЛАРИ УЧУН СЕМИНАРЛАР ЎТКАЗИЛДИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЎТКАЗИШГА КўМАКЛАШУВЧИ КОМИССИЯНИНГ ЧОРА-ТАДБИР РЕЖАСИГА МУВОФИҚ ШУ ЙИЛ 15 ОКТЯБРА ҚАДАР ПОЙТАХТИМИЗДАГИ БАРЧА 474 ТА МАҲАЛЛА БўЙИЧА ТЕГИШЛИ ИШЧИ ГУРУҲЛАРИ ТУЗИЛДИ.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ваколатларига кўра, бу ту-зилмалар зиммасига ўта масъулиятли вазифа — жой-ларда сайловларга тайёр-гарлик ишларини амалга ошириш ва бевосита сай-лов жараёнини бошқариш юклатилган. Бу дегани сай-ловнинг қонунчилик талаб-лари асосида ўтиши айнан ишчи гурўхларининг самар-али фаолиятига боғлиқ-дир. Шундан келиб чиққан ҳолда, ишчи гурўхлари ҳам тегишли қонунчилик ҳў-жатларига мувофиқ шакл-лантирилди. Улар таркиби-га амалдаги фуқаролар йи-ғини раиси ёки номзоди ушбу лавозимга кўрсатила-ётган шаклнинг манфаати-ни эмас, балки аҳолининг истак-талабларини қондира оладиган ва айни пайтда хо-лисона фикр юритиш қоби-лиятига эга кишилар кирит-илди. Бу борада ишчи гу-руҳи аъзолигига асосан те-гишли ҳудудда жойлашган корхона, ташкилот ва муас-сасалар вакиллари жалб этилгани бежиз эмасдир.

Ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар жор-рий йилда «Фуқаролар йи-ғини» раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилар сай-лови тўғрисидаги Қонун асосида иккинчи марта ўтказилади. Икки ярим йил давомидagi фуқаролар йи-ғини раиси фаолиятига баҳо бериш ва тегишли

қарор чиқариш, яъни кел-гуси мўддатга уни сайлаш мумкинми ёки янада муно-сиброк номзодни танлаш лозими деган саволлар бугунги кунда қўлчилик фик-ридан ўтаётди. Сайловчи-ларнинг бу борадаги ҳуқуқий имкониятларидан тўлақонли фойдалана олиш-лари эса қўл жиҳатдан ай-нан ишчи гурўхларининг қандай иш юритишларига боғлиқ бўлади десак аdash-маймиз.

Кейинги уч-тўрт кун ичи-да туманлар миқёсида ўтка-зилган семинар-йиғилиш-га ҳам айнан ушбу мақсад-да, яъни ишчи гурўхларига яна бир бор уларнинг ва-зифаларини ўқитиб ўтиш ва тегишли ташкилий иш-ларни ҳал этиб олиш учун ташкил этилди.

Ушбу тadbирлар аввали-да бу йилги сайловларнинг аҳамиятига эътибор қара-тиб ўтилди. Таъкидлангани-дек, мамлакатимизда ма-ҳаллий ўзини ўзи бошқас-асалар вакиллари жалб этилгани бежиз эмасдир.

— Дарҳақиқат, фуқаро-

лар йиғинига сайловлар давлат ва жамият қурили-шидаги муҳим ижтимоий-сиёсий тadbир бўлиб, фу-қароларимизнинг мамлака-тимизда амалга оширила-ётган демократик жараён-ларда фаоллигини қучайти-ришда алоҳида босқич ҳисобланади, — деди сай-ловларга кўмаклашувчи ша-ҳар комиссияси раиси ўринбосари Жамолдин Шохамисов. — Бу сайлов-ларнинг, юқорида айтиб ўтилганидек, муваффақият-ли ўтиши нафақат шаҳар ва ҳар бир туманда таш-кил этилган комиссиялар фаолиятига, балки ишчи гурўхларининг биринчи галдаги вазифаларига қан-дай киришишларига ҳам боғлиқдир. Чунончи, жой-ларда вакилларни сайлаш йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказишга алоҳи-да аҳамият берилиши ло-зим. Бир қарашда, бу ун-чалик катта тажриба талаб этадиган жараён бўлиб се-зилмаслиги мумкин. Бироқ агарда ҳар бир қўл, қават-ли уйнинг ўзида қанча сай-лов ҳуқуқига эга аҳоли ис-тикомат қилишидан келиб чиқиб, уларнинг ҳар бири ким учун овоз бериши ва-киллар қафолатига қарати-ланганлиги ҳисобласак, ва-киллик сайлови ҳам муҳим аҳамият касб этишига ишонч ҳосил қиламиз.

Сайловларга кўмаклашув-

чи туман комиссиялари то-монидан ташкил этилган ушбу семинарларга туман ҳўкимлари, барча коммуна-л хизматлар раҳбарлари ва бошқа мутасадди идоралар вакиллари таклиф этилди. Жойларда ҳал этилиши ло-зим бўлган асосий ташки-лий масалалар — сайлов йи-ғилиши учун бино ажратиш, иситиш тизимлари созли-ни қарфолатлаш, ободон-лаштириш ишларини муво-фиқлаштириш, қолаверса, ишчи гурўхларини зарур ашёлар билан таъминлаш масалаларида комиссиялар томонидан ишчи гурўхлари-га қўлай имконият яратиб берилди. Йиғилишлар до-ирасида қўлпаб масала-ларга аниқлик киритилди. Лекин шуни ҳам айтиб ўти-ш ўринлики, айрим туманлар-да ташкил этилган семинарларда ишчи гурўхлари-нинг фаоллиги унчалик се-зилмади. Албатта, асосан уларнинг таркибига аввал-ги сайлов компанияларида тажриба орттирган киши-лар киритилганлигини ино-батга оладиган бўлсак, са-воллар бўлмаганлигини та-шуниш мумкин. Аммо ишо-ни қолаимизи, эртага, 21 октябрь кунини шаҳар миқё-сида ўтказиладиган семинарда ишчи гурўхлари ва-киллари янада фаолроқ бўладилар.

Ильмира
ЗАЙНУТДИНОВА

«ШИРИН НОН» — ПОЙТАХТЛИКЛАР ДАСТУРХОНИДА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЯНГИЙўЛ ТУМАНИ ХАЛҚОБОД ҚўРҒОНИДА НОН ВА НОН МАХСУЛОТЛАРИ ТАЙЁРЛОВЧИ «ШИРИН НОН» ҚўШМА КОРХОНАСИ ИШГА ТУШДИ.

Германиянинг «Steinert Industries GmbH I Co. KG» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган корхона раҳбари Андрей Королнинг айтишича, янги нон заводида табиий нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Яъни маҳсулотларнинг ҳушбўй-лиги ва ширин мазалигини ошириш учун кимё-вий моддалардан умуман фойдаланилмайди.

— Бир кеча-кундузда 20 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада саксон фоиз ишлар автоматлаштирилган ҳолда бажарилади, — деди А. Корол. — Корхонага Россиянинг «Восход» фирмасида ишлаб чиқарилган янги техник ускуналар ўрнатилгани ишлаб чиқариш унумдор-

лигини оширди. Режага кўра, тўрт йил ичида сарф-харажатлар оқлаиб, фойда олиш кўзда ту-тилган.

150 мингдан ортиқ аҳоли истикомат қилаётган Янгийўл туманида давлатимизнинг «Корхо-наларни модернизациялаш ва техник қайта жи-ҳозлаш дастури» доирасида иш бошланган нон заводи дастлабки босқичда йигирма хил мазал-ли нон маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

Мазкур корхонада ишлаб чиқарилган нон ва нон маҳсулотлари асосан Тошкент шаҳри аҳоли-сига етказиб берилади.

Рустам ХАЙДАРОВ

Ҳамкорлик

«ТЕЛЕВИЗИОН СЕРИАЛЛАР» ҲУҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИДА «ТЕЛЕВИЗИОН СЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УНИНГ ТЕХНИК ТАЪМИНОТИ» МАВЗУСИДА ИККИ КУНЛИК ҲУҚУВ СЕМИНАРИ БўЛИБ ҲТДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Миллий сериал комплекс иждоий-ишлаб чиқариш да-стури тўғрисида»ги қарори доирасида ўтказилган семинар Германиянинг «BFE» фир-маси ва «ARD» телекомпани-яси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинарда «ARD» телеком-панияси режиссёри Ерг За-ремба ва «BFE» фирмаси етакчи мутахассиси Томас

Андерхублар телесериаллар-нинг ишланиши бўйича ўла-рининг иш тажрибалари бил-лан ўртоқлашди. Қизиқар-ли баҳс-мунозараларга бой бўлган семинарда мустақил телерадио каналлар, «Ўзбек-теlevision» давлат унитар корхонаси ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпания-си тизимидаги бошқа таш-килотларда телевизион сери-аллар ва ҳўжатли фильмлар ишлаб чиқариш билан бево-

сита машғул бўлган 40 дан зиёд иждоий ходимлар ва техник муҳандислар иштирок этди.

Семинар якунида хорижий меҳмонлар Республика теле-маркази, «Ўзбектеlevision» давлат унитар корхонаси фа-олияти ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси музейи экспозицияси билан яқиндан танишишди.

Гулбаҳор ҚОБУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Спартак замонда Грецияда никоҳ кунини келин-кўёвга спиртли ичимлик ичиш ман қилинган. Юнон файласуфи Диоген эси паст болалардан бирини кўриб, онаси бўйида бўлиш олдида отаси маст бўлган деган фикрга келган. Француз врач Деммэ 28 йил давомида ўнта болани кузатган. Бу оилалар-да эр ҳам, хотин ҳам ичкиликбоз бўлишган. Бу оила-ларда 57 та бола туғилган, улардан 25 та бола ёшга етмай ўлган, бештаси тутқаноқ, бештасининг бош миёсида сув, 12 таси жинни бўлган. Фақат ўнтагина бола нормал ўсган. Спиртли ичимликни ичганда, у қонга жуда тез шимилиб, парчланади. Пивоода озик моддалар кўп, у одамни семиртиради, деган фикр бор. Дарҳақиқат, баъзи олимларнинг айтишича, юз грамм пивоода 24,8 каллория бор. Биз бу билан пи-вонин фойдали ичимлик демократиясиз. Чунки бар-ча спиртли ичимликлар меъда ширасининг ажрали-шини камайтаётди юборди. Натижада кишининг иш-тахаси пасайиб кетади. Унда моддалар алмашинуви бузилади.

● Кавли машҳур Нобель мукофотига рақобатчи-лик қилиши керак бўлган янги мукофот таъсис эти-шини маълум қилди. ABC News телеканалнинг маъ-лум қилишича, мазкур мукофот икки йилда бир мар-та астрофизика ва нанотехнологиялар, шунингдек инсон миёсини тадқиқ қилиш борасида энг катта муваффақиятга эришган олимларга берилади. Янги мукофотнинг Осло (Норвегия) шаҳрида топширили-ши кўзда тутилган.

● Американинг геолог олим Дональд Бертнинг фикрига қараганда, келажакда ой бутун космонав-тикани кислород билан таъминлаш турадиган манба бўлиб қолади. Куёш тизимида учувчи космонавтар, ракета ва аппаратлар ер йўлдошидаги тўлдириш станциялари хизматидан фойдаланадилар. Олим ўз фикрларини Ойдаги минералларнинг улкан қисми кислородли бирикмалардан ташкил топганини ва келажакда улар қайта ишланганда ажралувчи кисло-роднинг катта миқдоридан келтириб чиқаради, дея исботламоқдалар. Анортит, оливин, анортозит, ба-залит кабилар нафақат кислороднинг, балки темир, никел, кобальт, алюминий, магний, кремний ва ти-танларнинг ҳам хом ашёси бўлади. Минераллардан кислород билан металлари ажратиш учун зарур энергияни Куёшдан олиш кўзда тутилади.

● Миср археологлари Миср ва унга яқин сувар-нинг тубида 200 йилдан бери қидириш ва қазил-ишларини олиб борадилар. Лекин халқ арзғулик бирон ўлжа қўлга киритмагандилар. Утган йилнинг қўзидан бошлаб Искандария бандаргоҳида 20 фран-цуз ва 10 миср сув остига шўнғувчилари жиддий ишга киришдилар. Бунга Миср Араб Республикаси-нинг қадимий ёдгорликларни сақлаш ташкилоти чи-қарган қарор туртки бўлди. Ташкилотнинг кўзда ту-тган мақсади Мамлюклар қалъаси ва оламнинг етти мўъжизасидан бири бўлган Искандария (Фарос) ма-ёғини сақлаб қолиш эди. Фаввослар сув остида қу-тилмаган нарсаларга дуч келдилар. Улар 6-8 метр жойда хайкаллар, ҳатто сфинкслар, ибодатхоналар-нинг устунлари, 70 тонна келадиган улкан гранит бло-кларини топдилар. Улар Фарос маёғининг бўлаклари эканлиги шундоққина кўришиб турарди. Топилдиқлар-нинг баъзилари музқилка тортиб олинди. Қиммат-баҳо топилмалар кўзга келди. Фаввослар эса жон-жаҳдлари билан ишни давом эттирдилар. Улар тез фурсат ичида Искандария шаҳри атрофла-рини синчиқлаб кўздан кечиришлари керак. Чунки та-дқиқот ишларидан сўнг шаҳарни сақлаб қолиш учун сув остида таъмирлаш ишлари бошланади.

● Финляндиянинг «Дитер» электроника» фир-маси ультратовуш билан даволайдиган «ультрасоник С3000» аппаратини яратди. Унда беморни турли ка-салликлардан даволашда ишчи қисмини алмашти-риб ўтириш талаб қилинмайди. Ҳозирги вақтда мос-лама радикулит, ревматизм, артроз, ампутиациядан кейинги оғриқни қолдириш ва спорт ўйинлари вақ-тида олинган турли зарбаларни даволашда муваф-фақиятли қўлланила бошланди.

● Американинг «ИБМ» ва «Спектрум Халфквар Солюшна» компаниялари бемордаги касалликни аниқлаб беришни автоматик мослама кашф этдилар. Касалхоналардан жой олувчи бундай мослама қон-нинг босими, пульс, организм ҳарорати, нафас олиш ҳажми ва тезлигини аниқлаб беради. Мослама таш-хис қўйиши, даволал йўлини кўрсатиши ва касал-лик тарихини ёзиб бериши мумкин. Видеодисплей ёрдамида барча ишларни амалга ошириш мумкин бўлиб, автоматик мослама нархи 44 минг доллар атрофида туради.

● Англиянинг кимёвий концернларидан бири қоғоз ўрнида ишлатилувчи юпка плёнка яратди. По-лиэфир асосига эга бўлган полимер бўёқли плёнка унга ёзилувчи сонлар ҳақида яхши ахборот беради. Янги қоғоздан турли мақсадларда фойдаланиш ҳам кўзда тутилмоқда.

● Япониянинг Хоккайдо оролида ташландиқ пла-стмассалардан бензин, керосин ва дизель ёқилғиси олиш йўлга қўйилди. Полиэтилен, полипропилен, по-листирол ва хлорли пластмассаларни ёқилғига ай-лантиришда цеолитлардан катализатор сифатида фойдаланилмоқда. Шундай қилиб, 300-400 даража ҳароратда икки килограмм пластмасса чиқиндиларидан бир литрга яқин ёқилғи олина бошланди. Бир тонна чиқиндини қайта ишлаш 225 долларга тушади.

● Швейцариянинг Цюрих шаҳрида яшовчи иш-лайдиган одамларнинг турмуш даражаси ана шу ша-ҳарда уй-ҳой нархи анча қиммат бўлишига қарамай, лондонликлар ёки токиолликларнига нисбатан анча юқоридир. Лондонда ёки Токиода яшовчилар иш ҳақининг катта қисмини айни квартира ҳаққи «ютиб юборди». Мамлакатнинг етакчи молиявий муассас-аларидан бири — Швейцария банклари уюшмаси-нинг махсус маълумотномасида ана шундай ҳулоса чиқарилган. Маълумотномасида жаҳоннинг 48 та йи-рик шаҳарларидаги турмуш шароити қийсий таҳлил қилиб берилган.

● Парижнинг Версаль дарвозалари олдидаги кўргазмалар мажмуи марказий павильон фойсидида галати бир экспонат қўйилган. У теридан тикилган жуда-катта камзулдир. Унинг тағига: «Бу дунёдаги энг катта чарм камзул» деб ёзиб қўйилган. Камзул-нинг эни 3,4 метр, узунлиги 8,1 метр, оғирлиги эса 36 килограммга тенг.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ ПАХЛАВОН МАХМУД

ХИКМАТЛАР

Тош бўлса қора, унда тиниқлик бўлмас, Мурч бирла қалампирда совуқлик бўлмас. Тингла сўзини Махмуди Пурёрвалининг: Ким мард эмас, ул касда ёруғлик бўлмас!

Хар қанча чаманда тўкмасин кўр у чинор, Гул новдасига чинони не нисбати бор?

Хокни неча ювса, барибир, хоқдир, хок...

Туймоқ неча лоф тоғини ҳовон бирлан, Кўкни бўямоқ юракдаги қон бирлан, Зиндонда ётиш бир аср афгон бирлан Соз ҳамдам ўлишдан даме нодон бирлан!

Фам-гусса билан ҳаётни тарк айлаш ҳайф! Қайгу тигига-да чап бериб ухлаш ҳайф! Офтоб гулидек бўлма бу дунё боғида, Сурмай гулчилик лаззатини гуллаш ҳайф!

Меъмори азал қаср ила айвон айлар, Бўлғай-да ясаб, сўнг уни вайрон айлар. Хар тоқиқи, етган эди бул кун кўкка, Эртан яна тупроқ ила яқсон айлар...

Эй хожа, жаҳон маънисидан йўқ хабаринг, Кундуз-кеча тортар ўзига сийму заринг. Дунёда кафан эрур фақат дастмоянг, Маълум эмас, аммо ўшани ҳам этаринг...

Айтмай сира олма кишининг уйига йўл, Қадрингни туширма узатиб нонига кўл, Миннатли кабулдан беравнинг доим Қоқ нон ила сувингни баланд кўйгучи бўл!

Ёмоннинг сирап ҳатлама остонасидан, Еб тушма тузоғига тагин донасидан. Ўқ ростлигидан билиб камонни эгри, Кўр қочишини шитоб унинг хонасидан!

Оқил сира ҳис-туйғуга бўлмайди асир, Зар қадри пасаймайди ҳасад бирла, ахир. Номард — ит эса, марднинг қиёси — дарё, Булганмади ит тегса-да, дарё барибир!

Ўз нафсига ким бўлса амир, улдир — мард, Ҳеч кимсага бўлмаса асир, улдир — мард. Ўтмас сира мағлубни тепиб мардлик эмас, Тўтса кўлидан забунни эр, улдир — мард.

Эй, дил, сира атлас тўнини қилма ҳавас, Тарк айлама эски-туски киймакни-да, бас, Гар истасан енгил кечини ушбу ҳаёт Ҳеч бўлма қарам ўзгани қошида, абас!

Ҳеч берма жаҳоннинг дўстлигига хотир, Киндан бўлаги бўлмагай ундан зоҳир. Юз йил яшасанг-да, охири келгай марг, Юз минглик эгалласанг-да, ҳечдир охир...


Дунёда мудом топил-у бир доно, ўтир, Ё излау бир нозли санам, зебо, ўтир. Гар сенга муяссар ўлмаси акиси ҳам, Вақтингни совурма елга-ю, танҳо ўтир.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Tashkent challenger-2008

МУСОБАҚА ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

ЎТГАН ҲАФТА ДАВОМИДА ЮРТИМИЗ ТЕННИС ИХЛОСМАНДЛАРИ РОССИЯ, ФРАНЦИЯ, ДАНИЯ, ГЕРМАНИЯ, ЧЕХИЯ, ИСРОИЛ, ЯПОНИЯ КАБИ 20 ДАН ЗИЁД МАМЛАКАТДАН ТАШРИФ БУЮРГАН КУЧЛИ РАКЕТКА УСТАЛАРИНИНГ ШИДДАТЛИ ЎЙИНЛАРИДАН ЯҚИНДАН БАҲРАМАНД БЎЛДИЛАР.



Бундай имкониятни бир қатор маҳаллий ва хорижий ташкилотчилар қаторида Республика Олимпия захиралари теннис мактаби яратиб берди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилда ўз фаолиятини бошлаган мақсуд ижтисоштирилган ўқув юрти «Tashkent challenger-2008» — челленжер туркумига кирувчи эркалар ўртасидаги халқаро мусобақага ташаббус қилди.

КЕЧА мусобақанинг финал босқичи ўтказилиб, совриндорларни кутлаш ва «Tashkent challenger-2008» нинг тантанали ёпилиш маросимлари ҳам бўлиб ўтди.

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, Тошкент бу йили илк марта АТР — Профессинал теннисчилар уюшмаси таснифидоги челленжер мусобақалари тизимига киритилди. Албатта, ушбу йўналишдаги турнирларни ташкил этишда мамлакатимизда анча тажриба орттирилгани ҳам ҳисобга олишимиз даркор. — Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Қарши — республикамизнинг олтинта минтақасида фьючерс ва челленжер мусобақалари бир неча йиллар давомида анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Шу билан бирга Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқохор Тўхтаев «Tashkent challenger-2008» турнирининг ёпилиш маросимида таъкидлаб ўтганидек, эндиликда Тошкент шаҳри ҳам 40 та давлатда ўтказиб келинаётган шу турдаги 170 дан зиёд мусобақаларнинг ташкилотчиси сифатида ном таратади. Келгусида «Tashkent challenger» турнири ҳам анъанавий мақомага эга бўлиб, турли давлат ва қитъалар вакиллари билан иборат энг кучли спортчиларни саралашга хизмат қилади.

«Tashkent challenger-2008» мусобақаси голиби тайпейлик Ен-Сун Лунинг ҳаётида пойтахтимиз алоҳида ўрин эгаллашига шубҳа йўқ. Унинг Тошкент очик турнирида кўрсатган натижалари янада юқориқоқ кўтарилишига асос бўлди. Аниқроғи, Лу эндиликда биринчи эллиталикка кирувчи кучли теннисчилар қаторидан кўчи эгаллаб, Осиё қитъасининг биринчи рақамли теннисчисига айланди.

Ушбу турнир Франциялик Мотье Монкоуртга ҳам катта омад келтирди. Унинг финалга чиққанининг ўзи мутахассислар томонидан биринчи юзликка

кириш учун етарли дея баҳоланди.

Албатта, нуфузи жиҳатдан (соврин жамғармаси энг кўп — 125 минг АКШ долларидан иборат эканлиги инобатга олинган ҳолда) бошқа шу каби челленжерлардан анча юқори бўлган Тошкент челленжери юқоридаги теннисчилар учун машаққатли кечди, аммо уларнинг номи совриндорлар сифатида тантанали равишда эълон қилиниши қанчалик ҳаяжонли кечганини тасаввур қилиш қийин эмас. Мехмонларимизга миллий зарчопонлар тақдими билан ҳам муносиб раҳбарлик қилди. Миллий жамоамиз ўйинчилари учун ҳам тегишли хулоса чиқариб олишлари учун асос бўлиб қолади. Афсуски, ҳамюртларимиз бу турнирда мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмадилар, бироқ барибир улардан умидимиз катта. Айниқса, миллий жамоамиз етакчиси Денис Истоминнинг шу

ютқларимизга қараб биз тегишли сертификат ва расмий эсдалик совғалари билан тақдирланамиз. Лекин бундай шохона либоснинг мен учун ҳам аталганидан ҳайратим янада ортди. Мамлакатимизнинг бундай меҳмоннавозлиги мен учун алоҳида қадри бўлиб қолади. Мен янги мухлисларимга самимий тилаклар билдираман ва албатта келгуси йили меҳмондўст мамлакатингизга яна келишга ҳаракат қиламан.

Тошкент челленжери, ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизга кўплаб давлатлардан ташриф буюрган спортчилар учун проффессинал маҳоратини янада ошириш учун ўзига хос йўлланма бўлиб хизмат қилди. Миллий жамоамиз ўйинчилари учун ҳам тегишли хулоса чиқариб олишлари учун асос бўлиб қолади. Афсуски, ҳамюртларимиз бу турнирда мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмадилар, бироқ барибир улардан умидимиз катта. Айниқса, миллий жамоамиз етакчиси Денис Истоминнинг шу

йил якунига қадар биринчи юзликдан ўрин эгаллаш учун ҳаракатларни бошлаб юборгани ишончимизни янада орттирди.

Ташкилотчиларнинг «Tashkent challenger» мусобақасини хар йили ўтказиш юзасидан аниқ таклифлар берганлари ҳам қувонардир. Профессинал теннисчилар уюшмаси тақвимида бу турнир энг қулай вақтга белгиланган. Яъни теннис мавсумига якун ясаётган ани пайтда кўплаб проффессинал спортчилар ўз маҳоратларини янада чархлаб оладилар. Ёш ўйинчилар эса кучли теннисчилар билан юзма-юз беллашиб, тажриба орттиришлари боис келгусида нуфузли мусобақаларда қатнашишларига энг қулай фурсат бўлиб қолади.

Ильмира ШАРАФУТДИНОВА СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар. Алишер Мамамадинов (ЎЗА) олган суратлар

Мамлакатимизда 12-17 октябрь кунлари бўлиб ўтган «Style.Uz-2008» Дизайн ва мода ҳафталиги либослар яратиш соҳасидаги ранглар фусункорлиги, жоизбадор ечимлар хилма-хиллиги, ўзбекистонлик ижодкор ёшларнинг улкан салоҳияти намойишига айланди. Бу дунёнинг турли мамлакатларидан келган ҳафталик иштирокчилари ҳамда меҳмонларида ўчмас таассурот қолдирди. Тақдир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Тошкент либослар уйи томонидан ташкил этилди.

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Дизайн ва мода ҳафталиги жаҳон жамоатчилиги ва ушбу соҳа мутахассислари орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. «Style.Uz-2008» ҳафталигида иштирок этиш учун республикамизга дунёнинг турли мамлакатларидан таниқли модельерлар, машҳур заргарлик уйлари эгаллари, мода соҳасидаги халқаро телекоманиялар ва нашрлар вакиллари, машҳур эстрада юлдузлари ташриф буюрди. Ҳафталигининг мода намойишлари, кўргазма ва бошқа тадбирлари кўплаб хорижий телеканаллар орқали намойиш қилинди, ушбу тадбирларга бағишланган материаллар эса етакчи мода журналларида чоп этилади.

Дарҳақиқат, «Style.Uz-2008» — маданий ҳаётимызда ўзига хос воқеа бўлиб, унинг доирасида ўзбек дизайн санъатининг барча қирралари, Ўзбекистонда маданият ҳамда санъатни ривожлантириш борасида кузатилаётган янги ёндашувлар ҳам ўзининг яққол ифодасини топди.

Мамлакатимизда жамиятнинг барча жабҳаларига халқимизга хос юксак маънавиятни сингдириш, унинг таъсирини кучайтиришга катта аҳамият берилмоқда. Давлатимиз раҳбари юртайтавган сиёсатнинг узвий қисми бўлган ушбу тамойил асосида миллий қадриятларимизни, жумладан анъанавий ва замонавий маданиятни қайта тиклаш ҳамда ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бугун Ўзбекистонда ёшлар ижод билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар мавжуд. Мамлакатимизда ёш истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш борасида улкан ишлар қилинмоқда, кўргазма ва фестиваллар ўтказилимоқда, улар халқаро танловларда мунтазам иштирок этиб, совринли ўринларни эгалламоқда, ўз иқтидорини билан, жумладан мода санъати соҳасида ҳам, Ўзбекистонимизнинг доверуғини дунёга таратмоқда. Саида Амир, Дилдора Қосимова, Гули Шерзод Отабоев, Артём Дробинцев, Мунира Алимухамедова, Умида Юсупова каби коллекциялари халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланган кўплаб ўзбекистонлик дизайнерлар мода оламида жаҳонга танилмоқда.

Бу гапни ҳафталик доирасида Sisi Wasabi (Германия), Wolford (Австрия), «DSQUARED2» (Италия), Revillon ва «Guy Laroche» (Франция) мода уйлари, россиялик дизайнерлар Елена Ахмадуллина ва Юлия Далакан, Норико Сурихаба (Япония), Сунит Варма (Хиндистон), Пекин либослар технологияси институти ва бошқалар иштирокида қатор тадбирлар бўлиб ўтди.

Яқинда Тошкентда Ёшлар ижод саройининг очилгани ҳам юртимизда навқирон авлод вакиллари истеъдодини ривожлантириш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Айнан шу ерда «Style.Uz-2008» ҳафталиги давомида кўплаб модалар намойишлари, дизайн ва мода кўргазмалари ўтказилди. Ушбу кўргазмаларда энг яхши либослар ва зар-

гарлик буюмлари дўконлари вакиллари, гул салонлари, ўзимизда етиштирилаётган пахтадан замонавий трикотаж буюмларини ишлаб чиқарётган тўқимачилик компаниялари ўз маҳсулотларини намойиш этди. Ушбу соҳадаги анъаналарни асраб-авайлаб келатган, уларни ўз маҳорати билан бойитаятган тикувчи ва хунармандлар ҳам шарқона либосларнинг ранг-баранглиги ҳамда гўзаллигини намойиш этди.

Ёшлар ижод саройида таниқли дизайнерлар, фотосуратчилар ва стилистларнинг маҳорат дарслари ташкил этилди. Жумладан, франциялик машҳур фотосуратчи Андре Рау

Style.Uz-2008

ГЎЗАЛЛИК, НАФОСАТ ВА МАМЛАКАТ НАМОЙИШИ

Ўз маҳорати сирлари билан ўртоқлашди. Бу унинг Ўзбекистонга иккинчи мартаба келиши. Андре Рау ўз таассуротлари асосида мамлакатимизга бағишланган каталог тайёрлашни режалаштирмоқда.

Айниқса, «Underground» ёш ўзбек модельерларининг коллекциялари намойиши санъат иҳлосмандларида катта қизиқиш уйғотди. Унда Зулфия Султонова, Светлана Ахатова, Руфия Аҳмадиева, Камола Икромова каби 17 нафар ёш модельер ўз коллекциясини намойиш этди. Уларнинг аксарияти республикамиздаги олий ўқув юрлари талабаларидир. Тошкентликлар ва синчков мутахассислар уларнинг ижодий ишларини, моданинг барча замонавий йўналишларини яхши билишини, янги моделларни яратишда миллий матолар, анъанавий бици техникаси ҳамда нақшлардан муваффақиятли фойдаланиш қобилиятларини юқори баҳолади.

— Бу, ҳақиқатдан ҳам, ажойиб тадбир бўлди, — дейди Латвиянинг «L'Officiel» журналі баш муҳаррири Елена Власова. — Ўзбекистонлик ёш дизайнерларнинг катта салоҳиятга эга экани уларнинг ушбу коллекцияларидан яққол кўриниб турибди.

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Дизайн ва мода ҳафталиги жаҳон жамоатчилиги ва ушбу соҳа мутахассислари орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. «Style.Uz-2008» ҳафталигида иштирок этиш учун республикамизга дунёнинг турли мамлакатларидан таниқли модельерлар, машҳур заргарлик уйлари эгаллари, мода соҳасидаги халқаро телекоманиялар ва нашрлар вакиллари, машҳур эстрада юлдузлари ташриф буюрди. Ҳафталигининг мода намойишлари, кўргазма ва бошқа тадбирлари кўплаб хорижий телеканаллар орқали намойиш қилинди, ушбу тадбирларга бағишланган материаллар эса етакчи мода журналларида чоп этилади.

Дарҳақиқат, «Style.Uz-2008» — маданий ҳаётимызда ўзига хос воқеа бўлиб, унинг доирасида ўзбек дизайн санъатининг барча қирралари, Ўзбекистонда маданият ҳамда санъатни ривожлантириш борасида кузатилаётган янги ёндашувлар ҳам ўзининг яққол ифодасини топди.

Мамлакатимизда жамиятнинг барча жабҳаларига халқимизга хос юксак маънавиятни сингдириш, унинг таъсирини кучайтиришга катта аҳамият берилмоқда. Давлатимиз раҳбари юртайтавган сиёсатнинг узвий қисми бўлган ушбу тамойил асосида миллий қадриятларимизни, жумладан анъанавий ва замонавий маданиятни қайта тиклаш ҳамда ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бугун Ўзбекистонда ёшлар ижод билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар мавжуд. Мамлакатимизда ёш истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш борасида улкан ишлар қилинмоқда, улар халқаро танловларда мунтазам иштирок этиб, совринли ўринларни эгалламоқда, ўз иқтидорини билан, жумладан мода санъати соҳасида ҳам, Ўзбекистонимизнинг доверуғини дунёга таратмоқда. Саида Амир, Дилдора Қосимова, Гули Шерзод Отабоев, Артём Дробинцев, Мунира Алимухамедова, Умида Юсупова каби коллекциялари халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланган кўплаб ўзбекистонлик дизайнерлар мода оламида жаҳонга танилмоқда.

Бу гапни ҳафталик доирасида Sisi Wasabi (Германия), Wolford (Австрия), «DSQUARED2» (Италия), Revillon ва «Guy Laroche» (Франция) мода уйлари, россиялик дизайнерлар Елена Ахмадуллина ва Юлия Далакан, Норико Сурихаба (Япония), Сунит Варма (Хиндистон), Пекин либослар технологияси институти ва бошқалар иштирокида қатор тадбирлар бўлиб ўтди.

Яқинда Тошкентда Ёшлар ижод саройининг очилгани ҳам юртимизда навқирон авлод вакиллари истеъдодини ривожлантириш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Айнан шу ерда «Style.Uz-2008» ҳафталиги давомида кўплаб модалар намойишлари, дизайн ва мода кўргазмалари ўтказилди. Ушбу кўргазмаларда энг яхши либослар ва зар-

нади, бу эса миллий санъатни халқаро санъатга айлантиради ҳамда турли маданиятлар билан ҳамкорлини ривожлантириш имконини беради.

Ҳафталик меҳмончи — япониялик машҳур модельер Такада Кензо Ўзбекистонда ўтган ушбу тадбир — Буюк Ипақ йўлини қайта тиклаш, Шарқ ва Ғарб маданиятларини туташтиришга хизмат қилаётган алоҳида таъкидлади.

Дизайн ва мода ҳафталигининг барча иштирокчилари Самарқандга ташриф буюрди. Қўҳна ва ҳамшиша навқирон Самарқанднинг ўзбек халқининг бой тарихий-маданий меросидан далолат берувчи ўзига хос қадимий меъморчилик ансамбли ва ёдгорликлари, замонавий транспорт инфратузилмаси яратилган, ажойиб маъмурий ҳамда тураржой бинолари қад ростилаган ушбу шаҳарнинг бугунги ривож қилиниши меҳмонларни ҳайратга солди. Мехмонларнинг аксарияти ушбу афсонавий шаҳарни ўз кўзи билан кўришни неча йиллардан буён орзу қилиб келганини яширмади.

«Style.Uz-2008» Дизайн ва мода ҳафталиги Самарқанддаги Регистон майдонида бўлиб ўтган Миллий либослар фестивали билан низоҳисига етди. Ўзбекистонлик йигирма етти нафар ёш ва иқтидорли дизайнерларнинг анъанавий ва замонавий матолардан фойдаланган ҳолда яратган болалар ва катталар кийимлари, худудларга хос миллий либослари бежиримлиги ва ўзига хос бичими билан ҳафталик иштирокчиларига, меҳмонлар ва томошабинларга манзур бўлди. Айниқса, Мадина Қосимбоевнинг ипақдан жило берилган сўзана чопонлари, Дилдора Абдуллаеванинг замонавий матолар ва бекасман турли мавсумларга мўлжаллаб тикилган болалар кийимлари, Тоҳир Саидкуловнинг ўзига хос либослар коллекцияси хорижлик модельер ва ди-

зайнерларнинг эътиборини тортди. Мухими, ушбу коллекцияларнинг асарияти ўзининг сифатли ипақ ва пахта толаридан тўқилган матолардан яратилган.

— Ўтган йили «Style.Uz-2007» да қатнашиб, «Шарқ тумори» номинациясида голибликни қўлга киритган эдик, — дейди дизайнер Севара Зунунова. — Энг муҳими, ушбу тадбир тўғрисида хорижлик модельер ва дизайнерлар билан ўзаро фикр алмашиб, янги гоя ва лойиҳалар билан танишиш имконига эга бўлган эдик. Бу йил эса Сурхон либослари коллекциясини яна ҳам бойитган ҳолда намойиш этдик.

— Бизнинг «Шарқона ёрқинлик» деб номланган коллекциясини кўроқ техникасида ишланган либослар ташкил этади, — дейди Лобар Полвонова. — Одий матолардан безак беришган бу кийимлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Тадбирда намойиш этилган Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ўқитувчи ҳамда талабалари томонидан тайёрланган болалар либослари коллекцияси ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Фестиваль низоҳисида «Style.Uz-2008» дизайн ва мода ҳафталиги якунлари сарҳисоб қилинди, номинациялар бўйича голиблар аниқланди.

Миллий либослар фестивалида «Фольклор» номинациясида Мадина Қосимбоевнинг коллекцияси, «Hand made» номинациясида Елена Мильбергера ва Наталья Гармидер, «Замонадан ташқари» номинациясида Лобар Полвонова, «Миллий матолардан моҳирона фойдаланганлиги учун» номинациясида Наргиза Отажонова, «Замонавий либос» номинациясида Азиза Бобонова ва Елена Худойбергенова, энг яхши болалар коллекцияси бўйича Дилдора Абдуллаева голиб деб топилди.

Шунингдек, «Underground» ёш дизайнерлар танловида миллий матолардан энг яхши фойдалангани учун Зулфия Султонова, Надежда Ким («Шаҳар услуби» номинациясида) ва энг яхши дизайнлик иши учун Элина Хайруллина ғалаба қозонди. Графика ишлари ва фотосуратлар танловида Камола Акрамованинг эскизлари ва Светлана Канаквининг фотосуратлари энг яхши деб эътироф этилди. Дизайн ва мода кўргазмаси ишлари якуни бўйича пойтахтимиздаги «Baccarat» дўкони стенди, Италиянинг «DSQUARED2» мода уйи Ўзбекистонда энг яхши мода уйи деб эълон қилинди.

Тадбир Дизайн ва мода ҳафталиги меҳмони, таниқли инглиз хонандаси Род Стюарт концерти билан якунланди.

Мамлакатимизда ўтган «Style.Uz-2008» Дизайн ва мода ҳафталиги ўзбек мода санъати, серкери маданиятимизнинг улкан ҳамда юксалиб бораётган салоҳиятини бутун дунёга яна бир бор намойиш этди. Зеро, ўзбек маданияти илдизлари узок ўтишга бориб тақалади ва халқимиз юксак маънавиятининг сарчашмаларидан баҳарланиб ташкиллашчи, ушбу тадбир мода доирасидан чиқиб, том маънодаги санъат ҳафталигига айланди, халқаро маданий лойиҳалар соҳасини янги ҳамда юқори даражада кўтаришга хизмат қилаётган воқеа бўлди.

Анна ИВАНОВА, Голиб ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбирлари

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 906

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3298 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва санъатланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа оқшомдорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.